

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

12 Январь 2018 й.г.

№ 22

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини  
такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Куйидагилар:

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари 1-иловага мувофиқ;  
Табиий газдан фойдаланиш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

маиший истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш замонавий ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қиёслови ва пломбалаш тегишли равишда худудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

маиший истеъмолчиларнинг электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг даврий давлат қиёсловидан ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини ташкил қилиш бўйича жавобгарлик тегишли равишда худудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотларига юклатилади;

тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш уларнинг хоҳишига кўра амалга оширилади.

3. “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўздавнефтгазинспекция” ДИ ва “Ўздавэнергоназорат” ДИ Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Ўзбекэнерго” АЖ билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг тариф гурухлари оптималлашувини хисобга олган холда, электр энергияси учун янги тарифларни бир ой муддатда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

6. “Ўздавнефтгазинспекция” ДИ, “Ўздавэнергоназорат” ДИ “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси А.С.Султанов, “Ўзбекэнерго” АЖ бошқаруви раиси У.М.Мустафоев, “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси А.С.Мустафаев, “Ўздавнефтгазинспекция” ДИ бошлиғи Н.Т.Аззамов ва “Ўздавэнергоназорат” ДИ бошлиғи Д.О.Исақулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов